

## Баҳорий таомлар сайлида

2 - талабалар тураг жойида яшовчи талаба қизлар ҳамда тарбиячи педагог Д. Шукурлаева ва талабалар кенгаши раиси Ф. Махмудовлар ташаббуси билан "Баҳорий таомлар" сайли тадбири ўтказилди, "Баҳорий таомлар" сайлида талаба қизлар ўз қўллари билан пазандалик маҳоратларини кўрсатиб "Кўк сомса, чучвара, хоним" каби хилма-хил Баҳорий таомларни дид билан тайёрлаб намойиш этишди. Шу жумладан дастурхонимизда баҳорий кўкатлардан тайёрланган хилма-хил салатлар ҳам тадбир иштирокчиларининг кайфиятини кўтарган ҳолда, иштаҳаларини очди дейиш мумкин.



Тадбирда институт проректори Р. Чориев, факултетлар деканлари ўринбосарлари О. Рўзиев, А. Азимов, О. Хабибуллаевлар иштирок этишди. Тадбирни 2-ТТЖ тарбиячи педагоги Д. Шукурлаева ташкиллаштириди. Шундай маҳоратли пазанда, оқила, билимли, қизларимиз борлигидан фахрланамиз, уларни қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурч ва вазифамиздир.



**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**